Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 9-iyun, seshanba, № 70 (3575)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 июн куни Оқсаройда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон элликдан ортиқ мамлакат аъзо бўлган ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан тараққиётга эришаётганини юқори баҳолади.

Учрашувда таъкидланганидек, Ислом ҳамкорлик ташкилотига 1996 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон унинг серқирра фаолияти ва тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда, жаҳонда ташкилотнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг навбатдаги учрашувини мамлакатимизда ўтказиш ва ташкилотнинг мазкур муҳим институтига 2016 йилда Ўзбекистон раислик қилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳамда “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуидаги нуфузли халқаро конференция ўтказилиши мамлакатимиз билан Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар ривожида муҳим босқич бўлди.

Оқсаройда ўтган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА

2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Оқил ҒУЛОМОВ олган сурат

ФАХРИЙЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Фармонга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволанаётир.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Бўстон” санаторийсида ҳам мазкур ҳужжат асосида уруш ва меҳнат фахрийлари соғломлаштирилмоқда.

— 229 ўринга мўлжалланган муассасамизда фахрийларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган, — дейди санаторий директори Фарида Акбарова. — Хоналар замонавий жиҳозлар, қўшимча ёруғлик мосламалари, тўғридан-тўғри навбатчи шифокор билан боғланиш имконини берувчи алоқа воситалари билан таъминланган. Сиҳатгоҳда муолажа, физиотерапевтик даволаш хоналари ётоқ бинолари билан ёнма-ён қурилган бўлиб, бу тиббий хизматларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш имконини яратмоқда. Нуронийларимизнинг мароқли дам олиши учун турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, концерт дастурлари, тарихий қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилаётгани отахону онахонларга маъқул бўлмоқда.

Асаб, юрак қон-томир касалликларини соғломлаштиришга мўлжалланган мазкур санаторийда йилига ўн икки мингга яқин бемор даволанади. Уларга невролог маслаҳати, лазеротерапия, галатерапия, даволаш бадантарбияси, балчиқ, сув билан даволаш каби қатор муолажалар кўрсатилади.

Сиҳатгоҳда даволанувчилар учун қулай шароитлар яратилгани, тиббиёт ходимларининг хушмуомаласи фахрийларга манзур бўлмоқда.

— Илгари оёғимни босолмасдим, қон босимим ҳам тез-тез кўтарилиб турарди, — дейди сариосиёлик Раҳим ота Раҳмонқулов. — Шифокорлар “Бўстон” санаторийсига йўлланма берди. Бу ерда зарур муолажаларни олмоқдаман. Сиҳатгоҳнинг шифобахш ҳавоси танга роҳат бағишлайди.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...



Ҳозирги жазирама кунларда узоқ йўлга чиқиш ҳақида ўйлаб кўринг. Аммо қадим ва навқирон Самарқанд сари сафар қилишимни билгач, менда ҳеч қандай малолланиш қолмади. Чунки, ҳозир у ерга бориш жуда қулай. Биргина “Afrosiyob” тезюрар поездининг ўзи кунига икки марталаб қатнамоқда. Ундан-да тез боришни ихтиёр этсангиз, ҳаво транспорти хизматда. Бу хорижликлар ҳамда элдошларимизнинг зиёрату саёҳати янада мароқли бўлиши йўлида яратилган имкониятдир.

Шундай қилиб, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниямиз ҳаво лайнерида зумда шаҳар аэропортига келиб тушдик. Ажойиб кайфият уйғонди. Хаёлимдан, бундай шароитда йилнинг ҳар фаслида оилавий саёҳат қилиб келса бўлар экан, энди Самарқандга самолётда келаман, деган ўй ўтди.

Шундай намунали хизмат йўлга қўйилган жойда ходимларга яратилган шароит, уларнинг манфаатлари ҳимояси қандай эканига қизиқдим. Самарқанд аэропорти ходимлари касаба уюшма қўмитаси шундоққина чиқишдаги кўркам маъмурият биносида жойлашган.

ЗИЁ АКА ЗИЁЛИ ЭКАН

Касабақўм раиси Зиё Жўраев бизни самимий ва хурсанд ҳолда кутиб олди. Касаба уюшма хонаси ҳар томонлама мукаммал жиҳозланган. Тизим, хусусан, меҳнат муҳофазасига доир турли танловлар ғолиблиги акс этган ёрлиқлар кўзга ташланади. Зиё ака муддаомизни эшитгач, Давлат дастури, жамоа шартномаси ижроси, Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан бошланғичларга юклатилган вазифалар бўйича бажарилган йиллик ишлар йиғмажилдини олдимизга қўйди. Уни варақлаб, факт ва рақамларни кўриб, бу одам чиндан ҳам номига муносиб иш тутганига гувоҳ бўлдик.

Биргина ўтган йилда мазкур аэропортдан турли йўналишлар бўйлаб 1427 та рейс амалга оширилди. Қарийб эллик минг тоннага яқин халқ хўжалиги юклари ўз манзилига етказилди. Аэропорт маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ходимлар касб маҳоратини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шароитни яратиб берган. Масалан, бу ерда бир йил мобайнида 10 дан ортиқ спорт тадбирлари ташкил этилди. Хусусан, “Отам, онам ва мен — учувчилар оиласи” танловини ўтказиш анъана тусини олган. Ходимлар гимнастикаси амалиётга жорий этилган. 42 нафар ишчи-ходим дам олдирилиб, Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши кўмагида 16 нафар ходим бепул стационар даволанди. Фарзандлари олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 9 нафар ходимга шартнома пулларини тўлаш учун фоизсиз ссуда берилди.

Жорий йилги давлат дастури ижроси юзасидан ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 25 йилдан кўп ишлаган 142 нафар фахрий рағбатлантирилди. Улардан бири миннатдорлик билдириб, қўнғироқ қилиб қолди.

— Анчадан бери касаллик қийнаб келарди, — деди авиация тизимида 40 йил ишлаган 70 ёшли отахон Валерий Тян. — Бир зиёрат асноси Зиёжон ҳолимни сўраб, бепул даволанишимга амалий кўмак берди. Бунинг учун маъмурият ва касаба уюшмасидан ниҳоятда миннатдорман.

(Давоми 2-саҳифада).

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги корхоналар иш берувчилари, касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда фаолларининг минтақавий ўқув-семинари ташкил этилди.

СИНОВ

“Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни таъминлаш омиллари ва ҳуқуқий ҳимоя” мавзусидаги мазкур анжуманда иштирокчилар билим ва малакасини оширишди.

Семинарда Республика кенгаши раиси Ғ.Ҳамидов иш берувчи ва касаба уюшмасининг ўзаро ҳамкорлиги доирасида масалаларни ҳал қилиш тартиби ва муддатлари белгилаб қўйилишига эришиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир корхонада меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик ўрнатилган бўлиб, тегишли тартибда локал ҳужжатлар қабул қилинган. Ижтимоий шерикликни ҳаётга татбиқ этишдаги механизмлардан бири — тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларидир. Маърузачи ушбу ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш тартиби, шартларга тўла амал қилишга эришиш, томонларнинг белгиланган бандлар ижроси юзасидан ҳисобот бериши лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди.

Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича бош мутахассиси Ш.Алимов “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмуни моҳияти ҳақида батафсил сўз юритди. Шунингдек, ўқув дастуридан ўрин олган яна қатор маърузалар ҳам тингловчилар томонидан қизиқиш билан эшитилди.

Иш берувчилар томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан ҳамкорликда корхонада амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижа ва истиқболли режалар хусусида иштирокчилар ўзаро фикр алмашди. Амалий машғулотлар жараёнида билим ва кўникмалар янада мустаҳкамланди. Мунозара ва савол-жавобларга бой ўтган семинар сўнгида касаба уюшма етакчилари ва иш берувчилар вакилларининг билими тест саволлари орқали синовдан ўтказилди. Амалий машғулот натижаларига кўра, “Энг масъул раҳбар” ва “Энг фаол етакчи” аниқланиб, рағбатлантирилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
“Ishonch” мухбири

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ИМТИЁЗЛИ УЙЛАР

Сардоба туманида ёш оилалар учун барча шароит ҳамда қулайликларга эга бўлган 16 хонадонли “Камолот уйи” қуриб битказилди.

«Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилаётган ёшлар фестивали доирасида фойдаланишга топширилган «Камолот уйи» ёш оилаларга қувонч улашди. Унинг очилиш маросимида қатнашганлар янги хонадон соҳибларини чин дилдан табриклашди.

— Уй бекаси учун бундай замонавий шароитларга эга хонадонда яшашнинг ўзи бир бахт, — дейди янги уй соҳибаси Ҳафиза Мусурмонқулова. — Ҳукуматимиз томонидан биз каби ёш оилаларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз. Эндиликда бундай шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда юртимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Тез кунларда ана шундай замонавий уйларга Оқолтин туманидаги ёш оилалар ҳам эга бўлади.

Элёр ЖЎРАЕВ

ҚАШҚАДАРЁ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Қамаши туманининг Чим қишлоғида хайрли ишга қўл урилди. Жўра ҳожи Қодиров ҳомийлигида «Shirinabonu» тўйхонасида қишлоқ болалари учун байрам тадбири ташкил қилинди.

САХОВАТЛИ НУРОНИЙ

Яқинда кам таъминланган оила фарзандларидан 10 нафарининг хатна тўйларини ўтказиб берган ушбу кошона соҳиблари элнинг дуосини олиш баробарида ёш авлодга қувонч улашишди.

Аббос ХУДОЙБЕРДИЕВ

СУРХОНДАРЁ

Вилоят ҳокимлиги ва фермерлар кенгаши ташаббуси билан жорий йилнинг апрел ойида Термиз шаҳрида ташкил этилган агросаноат мажмуи учун мини технологиялар кўргазма савдосида юртимизда фаолият юритаётган корхоналар ўзлари яратган янги техника ва мини технологияларни намойиш қилишди.

МИНИ ТЕХНОЛОГИЯ КЕЛТИРИЛМОҚДА

Кўргазмада иштирок этган сурхонлик фермерлар, саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари вакиллари ишлаб чиқарувчилар билан мини технологияларни сотиш ва харид қилиш юзасидан умумий қиймати икки миллиард сўмдан зиёдлик икки томонлама манфаатли шартномалар имзолашганди. Шартномаларга мувофиқ, Сариосиё туманидаги “Сариосиё сабзавот” фермер хўжалигига боғ ва токзор орасида ишлайдиган кичик трактор келтирилган бўлса, шу тумандаги “Абдураҳмон Абдуғаффор давр” фермер хўжалигига гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини технология олиб келинди. Бундан ташқари, Узун, Ангор, Жарқўрғон, Термиз, Бойсун туманларида тадбиркор ва фермерлар замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, асбоб-ускуналаридан унумли фойдаланиш мақсадида янги мини технологиялар ўрнатилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ

ТОШКЕНТ

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти давлат корхонаси Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишида минерал хомашё ресурсларининг аҳамияти” мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Унда Ўзбекистон Республикасининг минерал хомашё базаси, унинг ривожланиш истиқболлари ва бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Таъкидландики, мавжуд объектлар негизида ички ва жаҳон бозорларида талаб катта бўлган кенг спектордаги замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш мумкин. Бу борада изчил фаолият юритилаётир. Айни пайтда фойдали қазилмаларнинг 10 дан ортиқ тури бўйича геологияқидирув ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда шу ва бошқа жиҳатлар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА

2015-yil 9-iyun, seshanba, № 70 (3575), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Касабақўм билан анча вақт гаплашиб, унинг ҳар соҳада билимдон, том маънода зиёли эканига амин бўлдик. Яна дийдорлашиш тилаги билан шаҳар ораладик. Бу ерда ҳар галгидек саринлик сезилади. Автобус ва такси хизмати бирдек йўлга қўйилган. Яъники, шаҳарнинг қайси бурчига борсангиз, бир хил қийматдаги арзон хизмат кишини мамнун қилади. Кейинги манзил вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлди.

МИНТАҚАВИЙ КЕЛИШУВ ИЖРОСИ

Вилоят бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров билан 2014-2016 йилларга мўлжаллаб уч томонлама тузилган минтақавий келишув ижроси ҳақида қисқача суҳбатлашдик.

— Мавжуд муаммоларни ҳамкорликда, ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамда ташкилотимиз ўртасида тузилган битта уч томонлама минтақавий келишувдан ташқари 30 та туман-тармоқ келишувлари ва 11 минг 680 та жамоа шартномаси тузилган, — деди раис. — Улар орқали 460 минг 728 нафар меҳнаткаш манфаати ҳимояси кафолатланган.

Ўтган йилги ишлар кўламига назар солсак, жамоа шартномаларига киритилган бандлар, тадбирларнинг бажарилиши эвазига ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 643 минг 175 сўм сарфланган. 24 минг 860 та кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган шунингдек, ёш оилаларга фоизсиз ссудалар беришга жами 1 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқ ижтимоий кўмак йўналтирилди. Фуқаролардан тушган меҳнат муносабатларига оид 143 та ёзма ва 97 та оғзаки, "Ишонч телефони"га қилинган 98 та мурожаатнинг барчасига амалдаги қонунларга таянган ҳолда жавоб берилди. Ҳатто, 13 та суд ишида иштирок этилиб, меҳнат аҳли манфаати ҳимоя қилинди.

Ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилган тизимли ишлар самараси сифатида вилоят аҳолиси бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастурининг барча йўналишлари бўйича 95 минг 11 та янги иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг 52 минг 600 тасида хотин-қиз, 60 минг 200 тасида эса ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Касб-ҳунар коллежларининг 2 минг 234 нафар ўқувчисига амалиёт ўташ даврида энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида, битирувчилардан 898 нафарига ишга жойлашганларидан кейин энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, жами 3 минг 132 нафар ўқувчига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Йил давомида туман (шаҳар) кенгашларига 1461 та санаторий йўлланмаси ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан тарқатилди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури бўйича санаторийларда 54 нафар ходим бепул соғломлаштирилди. Ёзги дам олиш мавсумида жами 76 та (24 та шаҳардан ташқари, 52 та кундузги) оромгоҳда режадаги 22 минг 320 нафар ўрнига 22 минг 941 нафар бола дам олдирилиб, режа 102,8 фоизга бажарилишига эришилди. Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар бу йил янада юқори бўлиши учун ҳаракат қилаяпмиз...

ФИДОЙИ

Самарқанд фидойилар юрти эканини ҳар соҳада кузатиш мумкин. Улардан бири Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят тизимида самарали фаолият кўрсатаётган, газеталаримизда давомли чиқишлар қилиб келаётган Садриддин Аслиддиновдир. Эътиборлиси, у нафақада. Мана, 4 йилдирки, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келаётир.

— Садриддин ака тизим такомиллашуви ва ислоҳотлар ижросининг жонкуяр ташкилотчиси ҳисобланади, — дейди АСМ ходимлари Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Нормурод Ражабов. — Зеро, устознинг тажрибаси қуйи ташкилот етакчиларига мудом асқотяпти. С.Аслиддиновнинг саъй-ҳаракатлари билан бошланғичлар сони 525 тадан 647 тага етди. Аъзолар сони 180 мингдан 237 минг нафарга ўсди.

Садриддин аканинг умумий иш стажи 47 йил. Касаба уюшма тизимида 2006 йилдан ишлаган бўлса-да, бугун мингдан зиёд шогирдлари бор. 15 нафари тизимнинг раҳбарлик лавозимларида ишлаётир...

ТЎРТ МИНГДАН БИРИ

Бугун юртимизда 90 дан ортиқ давлатларнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона, муассаса ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ҳамроҳимиз, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Мустафоқулова бизни улардан бири бўлган Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси хорижий корхонасига бошлади.



Меҳмондўстлик қон-қонимизга қанчалик сингиб кетган бўлса, унинг асоси ва замирида "чой" атамаси, чойхўрлик тушунчаси шунчалик ўрин тутади, дейиш мумкин. Ўзбек борки, бир-бирини кўрганда, бир пиёла чойга таклиф этади. Дастурхонимизни чойдан айро тасаввур қилолмаймиз.

Корхона раҳбари Абдусалом Раҳимов ҳам бу анъанани исботлаб, бизга ўзи чой қуйиб узатди. Иш жараёни ва шарт-шароит билан танишиш ниятида эканимизни билгач, астойдил бир гапни айтди:

— Одам ойнага қарамаса, ўзини тўла кўра олмагани каби, биз ҳам ўзимиз билмаган ҳолда хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлишимиз мумкин. Мабодо, кўзингиз тушса, бизни ҳам огоҳ этсангиз, бажонидил тузатамиз...

Аммо биз танишув жараёнида камчиликка дуч келмадик. 345 нафар ходим меҳнат қилаётган корхона асосан ёшлардан иборат. 2014-2017 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси тўла амалда экани ишчи-ходимларга яратилган шароитдан ҳам кўриниб турибди. 220 ўринли шинам ва ораста ошхонада ҳар куни тушликка биринчи ва иккинчи овқат бепул тайёрланади. Цех бўлимларида ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилган. Спорт мажмуаси ҳам ишга тушиш арафасида экан.

— Кўриб турганингиздек, Хитой, Ҳиндистон, Цейлон, Вьетнам, Кения давлатларида етиштирилган чой хомашёсини қадоқлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланамиз, — дейди цех бошлиғи Абдураҳмон Рўзиев. — Йилига 18 минг тонна чой қадоқлаймиз. Маҳсулот юртимиз ҳудудида реализация қилинади. Айни пайтда 40 хилга яқин 90 турдаги ўрамларда, оғирлиги 2 граммдан 7 килограммгача, 45 хилдаги кўк ва 20 хилдаги қора чой сотувга чиқарилмоқда.

Корхонада яратилган шарт-шароит, айниқса, йилига икки бор ўтказиладиган тиббий кўрик ҳам шу ернинг ўзида ташкил этилишини кўриб, корхона касабақўми Ботиржон Маҳмудовнинг иш тутумига қойил қолдик.

— Ходимларимизнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий ҳуқуқлари диққат марказимизда, — дейди Б.Маҳмудов. — Ўтган йили корхонамизда мутасадди ташкилотлар томонидан иш ўринлари шаҳодатдан ўтказилди. Натижада, ишчи-ходимларнинг меҳнат таътилларига 6 кундан 12 кунгача иш ҳақи тўланадиган қўшимча таътиллар бериш жорий қилинди. Жорий йилда ҳам ҳар бир байрам нишонланиб, намуна кўрсатганлар рағбатлантирилмоқда. 10 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига 200 минг сўмдан мукофот ва совға-саломлар улашилди. 1 нафар аъзомиз "Чинобод" санаторийсида соғлигини тиклаб қайтди...

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ходимлар бир овоздан яна Ботиржон Маҳмудовга ишонч билдиришган. У ҳам буни оқлаш йўлида тинмай изланмоқда. Жамоатчилик асосида бўлса-да, ишига меҳр қўйган...

"ASL NAFIS"

Вилоятнинг яна бир кўзга кўринган корхоналаридан бири ҳисобланган "Asl nafis" масъулияти чекланган жамияти қайта ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Аммо корхона ички бозорда ўз ўрнини топиб улгурди.

— Цехларимизга Франциянинг "Societe Cerinnov Ceramik innovation" компаниясининг замонавий технологиялари ўрнатилган, — дейди МЧЖ директори ўринбосари Ш.Ҳамдамов. — Йилига 12 миллион дона, 50 турдаги чинни ва эсдалик буюмлари ишлаб чиқараяпмиз. 300 киши доимий иш ўрнига эга. Корхона ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини янада кўпайтириш ҳамда хорижга экспорт қилиш мақсадида Хитойнинг "Zhongsheng yaolu" Cg LTD компанияси билан келишувга эришилиб, "Алоқабанк" томонидан ажратилган 15 миллиард сўм миқдоридаги кредит ҳисобига янги технологиялар келтирилди. Истиқлолимизнинг 24 йиллиги арафасида ишга тушиши кутилаётган ушбу янги тармоқда йилига 15 миллион дона чинни маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Шунда корхонанинг умумий қуввати 27 миллион донага етиб, яна 200 та янги иш ўрни яратилади.

ОБОДЛИК САРИ

Жорий йилда биргина вилоятнинг ўзида 1235 та намунавий уй-жой қурилиши режалаштирилган. 37 та қишлоқ массивида янги хонадон эгалари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида коммуникация тармоқлари, спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо комплекслари бунёд этилаётир... Шунингдек, ташқи инженерлик тармоқлари ва транспорт коммуникацияларини ўз ичига олган 28,5 км. сув, 28,1 км. электр, 29,2 км. газ тармоқлари қурилмоқда. 20 та бозор инфратузилмаси объектлари қад ростлаяпти...

РЕГИСТОН

Регистон асрлар оша Самарқанднинг кўрки ва фахри бўлиб келган. Бугун ушбу майдонда бажарилган ишлар кўлами кўзни қувонтиради. 5510 метр квадрат саҳнга эга майдонга қизил гранит тошлари дид билан тўшалган. Қор ва ёмғир сувини ўзига сингдириб оладиган 16 та ташнов ғозғон мармаридан тайёрланган. Мирзо Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасаларида, мажмуа атрофида олиб борилган тиклаш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари тақсинга лойиқ. 1470 метр квадратли автотураргоҳ, умумий ёритиш мосламалари чиройи ва замонавийлиги билан эътиборни тортади. Майдоннинг орқа томонига ўтсангиз, электробуслар хизматингизга шай. Регистонда ўтказган дамлар ҳаётингизнинг ёрқин саҳифаларига битилиши тайин. Айни пайтда майдон марказида "Sharq taronalari" ўнинчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қизғин кетмоқда.

ОСОЙИШТАЛИК РАМЗИ

Гап фавворалар ҳақида кетганда, доим уларни осойишталик рамзи сифатида таърифлагим келади. Самарқанднинг Кўксарой, Руҳобод майдонлари, Регистон ва Дахбед кўчалари, шоирлар боғи, Йўлбарслар, Амир Темур, Университет хиёбонлари, Темирйўл вокзали, "Аэропорт" маҳалласи, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғидаги фавворалари кўрганда, улар атрофида хотиржам сайр қилаётган юртдошларимизнинг юзига боқиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

***

Инсоният тарихида қадимги маданият ўчоқлари сифатида жаҳонга танилган Бобил, Афина, Рим шаҳарлари сингари Самарқанд ҳам бой тарихга эга. У қадимдан жаҳонгашта сайёҳларни қизиқтириб, ҳайратига сабаб бўлиб келган. Истиқлол шукуҳи кезаётган айни кунларда ҳам шаҳарни янада кўркамлаштириш ишлари тўхтагани йўқ. Вилоятда 200 га яқин туризм билан шуғулланувчи фирма ва ташкилот, 700 дан зиёд меҳмонхона фаолият юритаётганининг ўзиёқ ер юзининг сайқали саналмиш Самарқанднинг нафақат юртимиз, балки дунё миқёсида тутган ўрни ва аҳамиятидан далолат беради.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
"Ishonch" мухбири

ЎзА суратлари

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида 2013 йил январдан 2015 йил май ойигача бўлган даврда олиб борилган ишлар таҳлил қилинди.

ИЗЧИЛ ҲАРАКАТЛАР

— Ҳисобот даврида ҳомийликка олинган 19 нафар ҳамда корхоналарда ишлаб нафақага чиққан 12 нафар ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, — деди шаҳар кенгаши раиси Илёс Боқиев. — Шунингдек, нуронийларга даволаниши учун дори-дармонлар олиб берилди, санаторийларда имтиёзли соғломлаштирилди. Замонавий уй-жойлар ҳамда узоқ муддатли товарлар билан таъминлаш мақсадида ёш ходимларга фоизсиз ссудалар берилди.

Таъкидландики, иш жойларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш учун "Сирдарё пахтасаноат" ХАБ, "Оқолтин Дон", "Гулистонэкстрактёғ" ОАЖларда 189 нафар ходим касаначиликка жалб этилган. Ҳозирга қадар тизимда мавжуд 60 та бошланғич ташкилотда жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали 6610 нафар ишловчи манфаати қамраб олинган.

Конференцияда фаолиятдаги ютуқлар билан бирга, тизимда мавжуд камчиликларга ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Музокаларда "Сирдарёпахтасаноат" корхонаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Матлуба Абдумавлонова, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ХАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Аюбжон Отаев, "Гулистонэкстрактёғ"-ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Мурод Бозорбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тармоқ шаҳар кенгаши раислигига Илёс Боқиев бир овоздан қайта сайланди. Шунингдек, қатор ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

***

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг II конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ўктам Турғунов раислик қилди.

Ҳисобот даврида бажарилган ишлар юзасидан бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳомжон Султоновнинг маърузаси тингланди.

Музокарада сўзга чиққанларнинг бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб топиш ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш ҳақидаги таклифлари делегатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Овоз бериш натижаларига кўра, Илҳомжон Султонов бир овоздан касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши IV Қурултойига 4 нафар делегат сайланди.

Ф.ЭРМАТОВА,
Наманган вилояти

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси кўп қиррали фаолиятга бир қур назар ташлаш имкониятини берди.

Ҳисобот даврида 162 та бошланғич ташкилот таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди. Етакчилар сафи ташаббускор, ғайратли ёшлар билан тўлдирилди. Бунда шаҳар кенгаши раиси Дилбар Мустафоқулованинг талабчанлиги, куюнчаклиги муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги бир йилда 125 та корхона ходимлари касаба уюшмасига қабул қилинди. Қуйи бўғин ташкилотлари ишини намунали даражага кўтариш, ходимларга муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратишга эришилмоқда. Тизим таркибидаги "ДАКА – ТЕХ", Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, "Сам Антеп Гилам" хорижий корхоналари, "Сувоқава" давлат ишлаб чиқариш корхоналари касаба уюшма қўмиталари ҳар жиҳатдан намунали ташкилотлар сирасига киради.

Ходимларни имтиёзли дам олдириш билан биргаликда туризмни ривожлантириш, спорт мусобақалари ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конференцияда шаҳар кенгашининг ҳисобот давридаги фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши ҳисобот-сайлов конференцияси очиқ ва ошкоралик асосида ўтди.

Унда ҳисобот берган туман кенгаши раиси Алишер Хонназаров жамоа шартномаларининг сифати тубдан яхшиланганини эътироф этди.

— Ўтган йил давомида туман кенгашига касаба уюшма аъзоларидан 312 та мурожаат тушиб, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди, — деди А. Хонназаров. — Бироқ амалдаги меҳнат қонунларининг бажарилиши, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ечимини топиши керак бўлган муаммо ва камчиликлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Музокаралар жараёни жонли тарзда ўтди.

— Ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, уларни рағбатлантириш, моддий ёрдам беришда директор жамғармаси маблағларидан унумли фойдаланиляпти, — деди сўзга чиққан 41-умумтаълим мактаби директори Маҳмадоли Рўзиев. — Таълим муассасамизда 36 нафар ходимга мукофот, устамалар берилди. Туман кенгаши ёрдами билан 8 нафар ўқитувчи дам олиш масканларида даволаниб, саломатлигини тиклади, эҳтиёжманд ходимларнинг тарихий шаҳарларимизга саёҳати уюштирилди. Фаолиятимиз давомида кўплаб ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш, жамоада соғлом муҳит ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини шакллантиришда касаба уюшмаси кўмагига суянаяпмиз.

Делегатлар томонидан янги кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Конференция ишида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев ва Қашқадарё вилоят ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Кенгаш раиси Ҳаётжон Шарипов 2013 йил январ ойидан 2015 йилнинг майигача бўлган даврдаги фаолият тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада алоҳида қайд этилдики, ўтган давр мобайнида касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотларнинг фаоллиги оширилди. Ижобий натижалар яққол кўзга ташланди. Жумладан, 2013 йил бошида тармоққа қарашли юридик шахс мақомига эга асосий корхона, ташкилот ва муассасалар сони 68 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар 92 тага етди. Қасаба уюшма аъзолари сони эса 10500 нафардан ошди. Жамоа шартномаларининг сифати тубдан яхшиланди. Уларга ёшлар ва аёллар учун қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди.

2014 йил давомида ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқдаги касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган, иқтидорли 3 нафар талабага касаба уюшма стипендияси жорий этилди.

Конференцияда ташкилот ва тафтиш комиссияси раислари ҳисоботи юзасидан делегатлар Қаҳрамон Саидов, Насрулло Иноятов, Сайёра Имомова, Муҳаббат Жўраева ва Норжон Бақоева ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳаётжон Шарипов Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раислигига сайланди.

Конференцияда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 9-iyun, seshanba, № 70 (3575), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

КЎНГИЛ ОБОДЛИКДАН НУРЛАНАДИ

Тун чекиниб, тонг отади. Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверади.

— Умр оқар сув экан. Мана, 86 ёшни қаршилабман, — дейди Янгиқўрғон туманидаги "Бешбулоқ" МФЙда яшовчи Қутбиниса ая Сатторова. — Лекин чинакам бахтга мустақиллик шарофати билан эришдим, десам тўғри бўлади. Фарзандларим, набираларим истиқлол берган имкониятлар туфайли тадбиркорлик қилиб, фаровон ҳаёт кечиришмоқда.

Ўтган йили Ҳаж зиёратини адо этиш насиб этди. Қўлим ҳамиша дуода: юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, Юртбошимиз омон бўлсин.

...Бир умр далада меҳнат қилиб, ризқ топиб, беш фарзандни камолга етказган онаси Қурвонжон, сўнгра темирчи уста бўлган отаси Қўчқорбойнинг вафоти ёш Қутбинисани эсанкиратиб қўйди. Қариндош-уруғлар болаларни ўз қарамоғига олишди. Беш ёшли укасини эса ўзи тарбиялаб, камолга етказди.

— Онамнинг этагидан тутиб далада катта бўлганман, — дейди ая биз билан суҳбатда. — Дадам барча трактору машиналарнинг "шифокори" эди, десам хато бўлмайди. Катта Фарғона канали қурилишида ҳам қатнашиб, темирчилик қилган. Тешадан тортиб, болта, кетмон — барча темир асбобларни чархлаш, ясаш билан машғул бўлган.

Ўша пайтларда универсал тракторлар бўларди. Даланинг у бошидан бу бошига бориб келгунича радиатори қайнаб кетар, унга сув қуйиб туриш керак эди. Мен сувчи эдим. Дала бошида сувни тайёрлаб турардим. Кейин-кейин чигит экдим, пахта тердим, эрта тонгдан қаро тунгача далада бўлдим...

Аянинг умр йўлдоши Абдусамад ота Сатторов ҳам эл-юртга ҳалол меҳнати билан наф етказган камтар, камсуқум, меҳнаткаш инсон бўлган. Қайнотаси Қўчқорбой отанинг ишини давом эттириб, қарийб қирқ йил темирчилик устахонасида тер тўкди.

Ота 1945 йили Иккинчи жаҳон урушига кетди. 1951 йили юртга қайтгач ҳам уруш даҳшатларини унутолмади. Айниқса, бирга борган бир неча сафдошларининг кўз олдида ҳалок бўлишганини айтиб, роса йиғлаган экан.

Ота умрининг сўнгги кунларигача меҳнат қилди. Ая ҳам қарийб йигирма йил далада ишлади. Кейинчалик эса кўзи ожизлар учун очилган тўқиш цехида йигирма олти йил уста бўлиб ишлади.

— Оғир пайтлар эди, — эслайди ая. — Асосан кўрпа, матрас тикардик. Шолча, сетка тўқирдик. Олган буюртмаларимизни ўз муддатида бажариш учун тунда ҳам ишлардик. Айниқса, уруш йилларидаги қийинчиликлар... 16 ёшида урушга кетиб, қайтмаган Садриддин акамни, 15 ёшида тўсатдан вафот этган Сайфиддин акамни (кейинчалик билсак, бригадир далада бошига қамчи билан урган экан) эсласам, юрагим ўртаниб кетади.

Хонадондан меҳмон аримайди. Нафақат фарзандлар, балки маҳалладаги катта-кичик аянинг дуосини, маслаҳатини олишни канда қилишмайди.

— Инсоннинг кўнгли озода бўлсин, — насиҳат қилади ая. — Дили пок, нияти яхши одамнинг нафақат иши бароридан келади, атрофидагиларга ҳам ана шу хислатлари туфайли манзур бўлади. Яъни, кўнгил ободлиги, аввало, оила муҳитига соғломлик олиб киради, айни чоғда турмушнинг обод бўлишини таъминлайди. Ободлик — фаровонлик, қут-барака, меҳр-оқибат, оила тўкислиги, юрт тинчлиги дегани. Шу боис, ёшларга тилагим: астойдил ўқишсин, меҳнат қилишсин. Бугунги кун қадрини англаб, жаннатмонанд юртимизга муносиб фарзанд бўлишсин.

Хонадондаги файз-барака, саранжом-саришталик, меҳр-оқибатни кўриб, турмуш ободлиги айнан Қутбиниса ая каби онахонларнинг ҳаёт тарзи-ю дуоларидан бошланажагига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Жамолиддин МУСЛИМ,
Лобар РУСТАМОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари

Андижон вилояти Қорасув шаҳрида яшовчи Қирғизбой ота Эрматов ва Ҳакимахон ая Иминжоновани ҳамшаҳарлари ибратли оила сифатида яхши танийди.

50 йил турмушнинг аччиқ-чучугини бирга баҳам кўриб келаётган бу инсонлар оиладаги фаровонлик, хотиржамликнинг боисини аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, деб билади. Қирғизбой ота 40 йил молия соҳасида, Ҳакимахон ая эса узоқ йиллар таълим тизимида меҳнат қилган. Биргаликда тўрт фарзандни тарбиялаб элга қўшган отахон ва онахон бугунги кунда фарзанду набиралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Суратда: Қирғизбой ота Эрматов ва Ҳакимахон ая Иминжонова.

ЎзА фотомухбири
Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ олган сурат

ЎЗ-ЎЗИДАН БОШЛАНГАН ТЎЙ

Қодир ота Матчонов ижодхонасида Навоий девонини ўқиб ўтирарди. Ҳар галгидек у беқиёс ҳикматлардан, ранго-ранг ташбеҳлардан ғоят таъсирланди: "Яратганга шукур, Навоийдек буюк бобокалонимиз бор".

Кейин унинг хаёли хоразмлик алломаларга кўчди. Ал-Хоразмий, Беруний, Замахшарий, Огаҳий сиймолари кўз ўнгида гавдаланди. Сўнг Жалолиддин Мангубердини хотирлади. Уларнинг руҳига дуолар ўқиди.

Набираси ўз хаёли билан банд бобосига ажабсиниб қаради: "Қачон қарасанг ўқийди, ўрганадиганларини ўрганиб бўлмаганмикан?"

— Бува, чой совиб қолмасин...

Қодир ота китобдан бошини кўтарди. Набирасига меҳр билан тикилди.

— Болам, чой совиса совисин, лекин ҳеч вақт кўнгил совимасин. Қиладиган ишингни доим юракдан бажар.

— Танловда юқори ўринни эгалладим. "Хоразм манзараси" номли суратим кўпчиликка маъқул бўлди.

— Ҳа, бир ҳафтача бурун кўрсатганингми?

Набира бош ирғади.

Уларнинг суҳбати тугаб-тугамай яна бир набира меҳмонлар келганидан хабар берди. Қодир ота меҳмонхонага чиқди. Келганлар унинг шогирдлари экан. Қучоқлашиб кўришди. Меҳмонлар унга тўн кийгизиб, белини маҳкам боғлашди. Қутлуғ 90 ёши билан қутлашди.

Лавҳа

Дастурхон атрофида асосан халқ таълимини ривожлантириш борасида турли даврларда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз борди. Уларда Қодир ота ташаббускорлик, фидокорлик кўрсатган.

— Ҳозирги даврдан минг марта айланиб-ўргилсанг арзийди. Ҳамма шароит муҳайё. Аввалги вақтларда эрта тонгдан кечга қадар болаларга ўқиш-ёзишни ўргатаман деб овора бўлар эдик. Барча ёшдаги болалар бир синфда ўқишар, қиш пайтлари уларни бирма-бир уйига элтиб чиқардим...

Суҳбат қизиётган пайт яна бир гуруҳ меҳмонлар келишди. Воҳа қаламкашлари экан. Яна устозга тўн кийгизилди. Қодир отанинг воҳада илму ижод, журналистика соҳасига қўшган ҳиссаси меҳмонлар томонидан фахр билан тилга олинди.

Шеърхонлик бошланди. Устозга бағишланган шеърлардан ўқилди.

Навбатдаги меҳмонлар маънавий тарғибот соҳаси вакиллари бўлди. Суҳбат қизиди. Чунки бунинг учун асос ҳам, мавзу ҳам бор эди. Қодир ота юртимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан туманда маънавият ва маърифат ишларига етакчилик қилди.

Бир сўз билан айтганда, Қодир отанинг уйига шу куни бир тўйнинг меҳмони ташриф буюрди. Демак, у ҳали белгилаб улгурмаган тўй ўз-ўзидан бўлиб ўтди.

Сотим АВАЗ

КАСАБА УЮШМА ҲАЁТИ

Қувончли кунлар инсон қалбини ғайрат-шижоатга тўлдириб, интилишларини юксалтиради. Шу боис ҳам касаба уюшма ташкилотлари томонидан ишчи-ходимлар, меҳнат фахрийлари кўнглини обод этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бизнинг "Ўзбектелеком" АК Наманган филиалида жамоа аъзоларининг ҳар бир иш куни бехатар ва қувончли кечишига, қилинаётган меҳнат, албатта, қадр топишига ишонишлари учун тизимли тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. Филиалимизда ташкил этилган охирги тадбирда Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов иштирок этиб, соҳанинг республикамиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти нақадар муҳим эканлигини таъкидлади. Вилоят ҳокими томонидан алоқа соҳасида узоқ ва самарали меҳнат қилиб, пенсияга чиқаётган филиал ходимлари Умархон Раҳимов, Абдураҳмон Улуғхўжаев, Насрулло Абдуллаев, Шукриниса Валиева эсдалик совғалари билан тақдирланди.

АЛОҚАЧИЛАР ШАРАФИГА

Филиал директори Жамолиддин Якубаев ҳам алоқа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб эътироф этиб, уларга доимо соғлик-саломатлик, узоқ умр, масъулиятли, шу билан бирга, шарафли касбларида муваффақиятлар тилади.

Филиал директори, шунингдек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг бажарилиши бўйича тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Жумладан, филиал маъмурияти фармойиши билан вилоятда истиқомат қилаётган якка-ёлғиз пенсионерларнинг 13 нафарига моддий ёрдам ажратилди, узоқ ва самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган собиқ алоқачилар касб байрами муносабати билан рағбатлантирилди. Вилоятда истиқомат қилаётган уруш фахрийларининг ҳар бирига Uzmobile стационар телефон аппаратлари ва 5 минг сўм номинал қийматдаги шаҳарлараро сўзлашувларни амалга ошириш учун мўлжалланган тўлов карточкалари тарқатилганлиги, филиал мижозлари бўлган уруш фахрийларининг телефон рақамларига яратилган имтиёзлардан ташқари қўшимча 60 дақиқадан ажратилганлиги ҳам бу борадаги савобли амаллардандир.

Шунингдек, туман телекоммуникация цех касаба уюшмалари томонидан Наманган, Норин, Тўрақўрғон, Учқўрғон ҳамда Уйчи туманларида байрам дастурхонлари безатилиб, соҳадан пенсияга кузатилган 92 нафар нуроний таклиф қилинди.

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиалида вилоятимиз бўйича 327 нафар пенсионернинг ҳолидан хабар олиш, уларни телефон орқали туғилган кунлари билан табриклаш анъанага айлантирилди.

Бу каби ишлар саноғини узоқ давом эттириш мумкин. Мақсад, ютуқлардан ғурурланиш эмас, билъакс инсон, унинг шаъни, жамият учун қилган меҳнати ҳеч қачон унутилмаслигини эътироф этишдир.

Бахтиёр ТУРДИЕВ,
"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

Маънавият соати

ТАДБИРКОР ҲИМОЯДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан "Маънавият соати" ўтказилди. Унда касаба уюшма ташкилотларидан 50 нафардан ортиқ вакиллар қатнашди.

Тадбирда Тошкент юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор Омонжон Оқюлов "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Маърузачи қатнашчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Гулноза МИРЗАЕВА

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган кўп қаватли тураржой биносининг умумий майдони 53 кв.метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич нархи — 202 045 811 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- "А"уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 27 июл, 10-, 24 август, 8-, 22 сентябр, 7-, 21 октябр, 4-, 18 ноябр, 2-, 17-, 31 декабр ва 2016 йил 15 январ кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: «Ипак йўли» АИТБ Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1459 кв.метрга тенг бўлган маъмурий бино-иншоот.

Бошланғич нархи — 2 650 333 962 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 24 июл, 7-, 21 август, 7-, 21 сентябр, 6-, 20 октябр, 3-, 17 ноябр, 1-, 16-, 30 декабр, 2016 йил 14 январ кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: «Ипак йўли» АИТБ Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога "Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ"нинг 2015 йил 5 июндаги №1238-03/17 сонли хатига ва 2015 йил 5 июндаги №1237-03/17 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани Жанубий саноат ҳудуди манзилида сақланаётган, "Камаз 54112" русумли, д/р 01 224 ТАА бўлган 1992 йилда и/ч техник носоз" бўлган бошланғич баҳоси — 2 284 000 сўм, "КАВЗ 3270" русумли, д/р 01 235 ТАА бўлган 1989 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 1 781 000 сўм, "КРАЗ 256Б" русумли, д/р 01 237 ТАА бўлган 1982 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 4 811 000 сўм, "Камаз 5511" русумли, д/р 01 197 ТАА бўлган 1992 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 4 569 000 сўм, "Камаз 5511" русумли, д/р 01 257 ТАА бўлган 1991 йилда и/ч техник носоз бўлган 1991 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 1 787 000 сўм, "ГБАСНГ ГАЗ 3102" русумли, д/р 01 178 ТАА бўлган 1996 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 2 376 000 сўм, "МЕРСЕДЕС 0303" русумли, д/р 01 175 ТАА бўлган 1982 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 15 056 000 сўм, "Камаз 53212" русумли, д/р 01 236 ТАА бўлган 1995 йилда и/ч техник носоз бўлган бошланғич баҳоси — 3 447 000 сўмлик автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 13 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 10 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 13 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 20 ва 27 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 20 июл савдолар учун 17 июл куни соат 18:00; 27 июл савдолар учун 24 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ипак йўли банки" ОАИКБ Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

ТУЗАТИШ!

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent Mintaqaviy filiali" томонидан **«Ishonch»** газетасининг 2015 йил 12 майдаги 59 (3564)-сонида чоп этилган хабарномадаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг Аукцион савдоси 2015 йил 11 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 9 июн куни соат 18:00 деб ўқилсин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел:233-28-52.

Хизматлар лицензияланган.

"Чинобод санаторийси" АЖ ва касаба уюшма қўмитаси санаторийнинг бош ҳисобчиси муовини

Любов ХУСАИНОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

2015-yil 9-iyun, seshanba, № 70 (3575), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР, ЭЪТИБОР!

КЎЗЛАРДА ҚУВОНЧ ПОРЛАР

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга мурувват кўрсатиш борасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. "Тошкентленд" истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган хайрия тадбири ҳам шу мақсадга қаратилди.

Тадбир Халқ таълими, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унга Тошкент вилоятидаги 14-,15- ҳамда пойтахтимиздаги 21-, 22-, 23- ва 30-"Меҳрибонлик" уйлари ва SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари тарбияланувчилари, шунингдек, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида ишлаб, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.

— "Бахтли болалик" шиори остидаги расмлар танловида "Меҳрибонлик" уйимиз биринчи ўринни эгаллади. Мен "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари иштирокчиларининг расми билан қатнашдим. Ҳомий ташкилотлар совға-саломлар улашди, — дейди 14-"Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиси Абдулла Эшманов. — Бугун эса бу ерда маза қилиб дам олиб, турли аттракционларда учяпмиз. Ҳаммаси ажойиб. Бундай савобли ишларни амалга ошираётганларга раҳмат айтамиз.

— Бизларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Билим олишимиз учун барча шароитлар яратилган, — дейди Тошкент шаҳридаги 22-"Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиси Нигина Субаева. — Бизни руҳан қувватлантирадиган бу каби тадбирлар нафақат байрам кунлари, балки йил давомида ташкил этилиши қувончлидир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Наврўз НОРБОБОЕВ олган сурат

ЮРТИМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИ

СИЗМИ ЎША, ҚАЙНАРБУЛОҚЛАР?!

Табиатни ҳеч иккиланмай бебаҳо ҳаким дейиш мумкин. Иқлим, оби-ҳаёт, қуёш нури ва минерал сув сингари табиий омиллар инсон саломатлигида муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда Абу Али ибн Сино номидаги санаторийда даволандим. Сиҳатгоҳга келганимнинг эртаси куни хивалик меҳнат фахрийси Озод Собиров билан суҳбатлашиб қолдик.

— Бундан йигирма йиллар аввал Қримдаги машҳур санаторийлардан бирига ошқозон-ичак хасталиги бўйича даволанишга бордим, — деди у. — Қуёшли Ўзбекистондан эканлигимни эшитган сиҳатгоҳ шифокори менга танбеҳ берди: "Пулинг кўпайганми, ошна? Наҳотки, Самарқанд яқинидаги Нурбулоқнинг қайнарбулоқли санаторийсини эшитмаган бўлсанг?! Ўша сув таркиби радонли, кам ишқорлилиги билан оламга донг таратган-ку". Орадан бир йил ўтиб, шу сиҳатгоҳни топиб келдим. Ўшандан буён қайнар булоқ ваннасида чўмилиб, муолажа олиб турмасам, кўнглим жойига тушмайди.

— Ўтган асрнинг 70-йилларида 3-4 жойдан кўз очган қайнарбулоқ ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлганди. Ниҳоят, мутахассис олимлар бу сувнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга киришди, — дейди санаторий олий тоифали шифокори Бердирасул Холмуродов. — Шу зайл сувнинг шифобахшлиги аниқланиб, таркибида машҳур Цхалтуба сувига монанд Термал (37 - 43 С) таркиби табиий родон (20-25 м. Ки/п) хлорид сулфат натрийли, кам ишқорли (РН-8.1) ва азот газли эканлиги аниқланди.

1991 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги 200 ўринли Абу Али ибн Сино номидаги санаторий барпо этилди. Ўтган даврда шифобахш суви билан бирга ҳудуднинг гўзал ва жозибали манзараси, шунингдек, жонкуяр шифокорлари муассаса довруғини ёйди. Ҳувайдулло Қурбонов, Ширинбой Холмуродов, Шерали Тиловов, Гулчеҳра Турсунова, Ҳилола Қиличова, Турдигул Бобомуродова каби фидойилар номини алоҳида тилга олишни истардик. Ҳар йили уч минг нафардан ортиқ киши бу масканда дам олмоқда. Зеро, Ибн Сино айтганидек:

Фидойи, тадбиркор бўлса шифокор,
Тезда тузалади ҳар қандай бемор.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Онахон туни билан безовта бўлиб чиқди. Ошқозонидаги оғриқ бир зум тинч қўймади. Эрта тонгда қишлоқдаги ягона дорихона очилишини 15 дақиқача пойлади. Ниҳоят очилгач, сотувчи йигитга: "Болам, ошқозон учун бирор дори бер", деди. Бемор сўраганини зумда муҳайё қилган сотувчи дориларнинг нархини айтди. Онахон эса, пластик картани узатиб: "Пенсиямнинг бир қисми шунга ўтибди. Болам, шундан ечиб ол". Афсуски, ҳали бу ерда терминал йўқлигидан кекса аёл бехабар эди ва ноилож дориларни қайтариб берди.

ҚУЛАЙЛИКДАГИ НОҚУЛАЙЛИКЛАР



Вокзалдаги суҳбатдан

— Менга Тошкент — Бухоро кундузги поездига эртанги кунга иккита чипта беринг.

— Хўп бўлади, пласкарт бўлсинми ёки купе?

— Купе бўла қолсин. Отам касал. Йўлда қийналиб қолмасин.

— Яхши, нақдда тўлайсизми ёки...

— Менда фақат "пластик" бор, мана.

— Тўлов картаси ўзингизникими?

— Йўқ, отамники.

— Кечирасиз, биз фақат отангизнинг рухсати билан тўлов картасидан фойдалана оламиз. Бунинг учун ўзи чиптахонамизга келиши керак бўлади.

— Отам касал. Мен фарзанди бўламан. Ишонмасангиз, ҳужжатимизни текширинг.

— Узр, бизда қоида шунақа.

— Тушунсангиз-чи, мен отамни олиб эртага қайтишим керак...

— ...

* * *

Сотувчи ва харидор суҳбатидан

— Ассалому алайкум, отахон, велосипед олмоқчимисиз?

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, болам, набирамнинг яқинда туғилган куни эди. Унга велосипед олиб бераман, деб ваъда қилгандим-да. Шунинг учун нафақамнинг тўлов картасига тушганини йиғиб юргандим.

— Отахон, бундан чиқди сиз тўлов картаси орқали харид қилмоқчисиз?

— Ҳа.

— Унда, отагинам, 10 фоизли устама билан тўлайсиз-да.

— Нима деганинг бу?

— Ҳар юз минг сўмга ўн минг қўшимча тўлайсиз деганим-да.

— Нафақадаги одам бўлсам. Шунча пулни қаердан оламан?

— Сиз ҳам тушунинг-да.

Бизга ҳам нақд пул керак, отахон.

Дурдона ҚАЮМОВА

ТАҲРИРИЯТДАН: *Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг энг замонавий ҳисоб-китоб тизими — пластик карточкалар орқали тўловларни амалга оширишига шароит яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Эндиликда пластик карточкалар билан нафақат йирик шаҳарларда, балки олис туманларда ҳам ҳисоб-китоб қилиш мумкин.*

Бироқ, фақатгина ўз манфаатини ўйлаётган айрим тадбиркорларнинг терминалларсиз савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётганлиги кўпчиликка ноқулайлик туғдирмоқда. Айниқса, истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолат — пластик карточка орқали савдо қилинганда нархларни асоссиз ошириш ва истеъмолчидан қўшимча ҳақ талаб қилиш ҳолатлари учраётгани афсусланарли.

Таъкидлаш жоизки, пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга оширувчи воситагина бўлиб қолмай, мамлакат иқтисодиётини кўтариш, молиявий тизимни мустаҳкамлаш, инфляциянинг олдини олиш, нақд пул муомаласининг банк орқали айланишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шундай экан, агарда сиз юқоридаги каби ноқонуний хатти-ҳаракатларга дуч келсангиз, ҳудудий солиқ идоралари ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига мурожаат қилишингиз мумкин.

БУ ҚИЗИҚ...

Инсон хотираси жуда катта имкониятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, унга тенглаша оладиган компютер яратиш учун Токио шаҳрининг ҳудуди катталигида компютер ихтиро қилиш лозим экан.

ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ

Кўпчилик менинг хотирам суст, баъзилар эса "тўлиб қолган" деган фикрларни айтишади. Олимлар бу борада кўп изланишлар олиб борган. Дунёдаги энг билимдон кишиларнинг мияси ўрганилганда "биринчи ўрин" Алберт Эйнштейнга насиб этган экан. Ҳатто, Эйнштейн ҳам ўз хотирасининг 2,5 фоизидан фойдаланган, холос. Шундай экан, хотирамиз чексиз ҳажм ва имкониятга эга. Ўз навбатида, миямизни ахборотлар билан тўлдиришимиз учун бутун умр озлик қилишини фан исботлаган.



Бу оламда шундай хотирага эга инсонлар борки, уларнинг қилган ишларини кўриб, ақлингиз шошади. Жумладан, Жанубий Африкалик сиёсий арбоб Ян Христиан Сметс 5000 та китобнинг матнини ёддан билган. Бирмалик Виситаби Вумса 1974 йилда 6000 минг саҳифали Будда матнларини ёддан айтиб бера олган. Анқаралик Меҳмед Али Холисий 1976 йилнинг 14 октябрида олти соат давомида Қуръонни ёддан айтиб берган. Америкалик Барбара Мур эса 1852 та қўшиқни пианинода ижро эта олган. Хитойлик Гу Янмен 26 ёшида Ҳарбин шаҳридаги 15 000 та телефон рақамини ёддан айта олган. Яна шундай инсонлардан бири Доминик Ўбреан 1 соатда 300 та хорижий тилдаги сўзларни ёддан айтиб бера олган. 1994 йилда ўтказилган хотира машқида Доминик Ўбреан 15 дақиқа ичида 152 та хитойча сўзни эслаб қолиб, мусобақада ғолибликни қўлга киритган. Тасманиялик "Маълумотлар хизмати" оператори Паула Прентис 128 603 та абонентнинг телефон рақами, исми ва манзилини ёддан айта олган.

Хотиранинг яхши ишлаши бевосита асаб тизимига боғлиқ. Уни мустаҳкамлайдиган асосий омил инсоннинг ўз оиласида бахтли ҳаёт кечириши, соғлом турмуш тарзи, спорт билан доимий шуғулланиш ҳамда эрталабки бадантарбияни канда қилмасликдир.

Оилада бўладиган турли хил нохушликлар, асаббузарликлар ва меъёридан ортиқ иш билан машғул бўлиш кабилардан хотира сусайиши рўй беради. Бунинг натижасида миянинг нерв тизимлари зарарланади, асаб касалликлари юзага келади.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ,
ЎзМУ талабаси

МУСИЧА

Қатра

Ижарада турган уйимиз сотиладиган бўлди-ю, зир югуриб уч кун ичида янги жой топишга тўғри келди. Шу вақт ичида оилавий ўйчан бўлиб қолдик. Еганимиз ичга тушмайди денг. Ниҳоят, янги ижара жой топилди. Маошга нисбатан нархи баланд бўлса-да, тортишиб ўтирмай кўчадиган бўлдик.

Ўғлим хуноб. Велосипедини яхши минолмайди-ю, қолиб кетмасин деб машина томон судрайди. Кеча онасидан бошқа жойга кўчишимизни эшитиб, "мен шу уйимиз олдидаги мактабда Дилшод билан бирга ўқимоқчиман", деб хархаша қилибди. Ошнасини кўзи қиймаган-да.

Янги жойга боргач, бир-икки кун кўниколмай юрди. То деразамиз рахига мусича ин қурганини кўриб қолмагунча. Деразага соябон қилиб ясалган ёғочга телевизор антеннасини ўрнатгандим. Син солиб қарасам, унинг устига уч-тўрт хас-ҳашак йиғилган. Ўғлимни чақириб, кўрсатдим:

— Бу ерга қушлар ин қуришаяпти.

— Қанақа қуш, алданадиганимасми? — хавотирланиб сўради ўғлим.

Ҳайрон бўлиб юзига қарадим. Кейин кеча кўрган кўрсатувимиз эсимга тушди. Унда Каккунинг ҳаёт тарзи, бошқа қушнинг инига тухум қўйиши, полапони кўзи очилмасданоқ ички инстинкт орқали уянинг асл тухумлари ва полапонларини индан тушириб юбориши, алданган "ота-она" қушлар олиб келганини паққос тушириб, улардан икки-уч баробар катта бўлиб, инга сиғмай қолгунча чириллаб ётавериши, бу маккор қушлар шу зайл насл бардавомлигини сақлаб келаётгани ҳақида билиб олгандик. У Какку қушини ёқтирмай қолганди.

— Йўқ, бу бошқа қушнинг уяси.

Шундай дейишга дедиму, ҳозир қайси парранда ин қуриши ўзимга ҳам қизиқ туюлди. Биргаликда кузатсак, бир жуфт мусича шу ерни танлабди. Ишга чалғиб, уларнинг тақдири эсимдан ҳам чиқиб кетган экан.

— Дада, қушларим бола очди!

Ўғлимнинг хабари онасини ҳам дераза яқинига ундади. Қарасак, инда битта ҳўрпайган мусича боласи.

— Улар учта эди, — маъюслашди ўғлим. — Ўтган куни боғчадан келсам иккита тухум йўқолиб қолибди.

Онаси ялт этиб менга қаради. Кечаси алаҳсиб, йиғлаганини айтганди. Сўнг унга юзланиб, юзидан ўпди:

— Мана, биттаси ёриб чиқибдику. Бунча чиройли бу қушинг...

— Унга ушоқ, сув қўйиб қўйганман.

Дераза рахига кўзим тушди. Бир-икки нон ушоғи, пиёлада сув, пиёз пўстлоғи, ҳолва бўлаги, яна ўтми бир нарсалар бор.

***

Куз забтига олиб, шамол сарғайган барглари беаёв тўкар, тунлари том тунукаси тарақлаб чиқарди. Бунни ўрганиб олгандик. Шундай пайтларда у ўзи билмаган ҳолда "кейин у қаерга боради", деб жой излаган чоғларимизни эсга соларди...

Бир куни оқшомда қаттиқ шамол турди. Шаррос ёмғир ёғиб, тонггача тинмади. Ётар маҳал нимадир уч-тўрт марта деразага урилди. Ўғлим жойидан туриб олган, чироқни ёқишимизни сўраб, дераза зулфинини пайпаслайди. Чироқни ёқиб, деразани очдик. Зимистон. Ин кўринмади. Яна жойимизга ётганда шу ҳол такрорланди.

— Дадажон, деразани очиб кўяйлик, — ялинади ўғлим.

— Жим бўл, ухла энди, — дўқлайди онаси. — Совуқни кўрмаяпсанми?

— Ташқари ростданам совуқ эканда, болам, — овутган бўламан.

— Қушчам ўлиб қолади-да... — йиғламсирайди у яна.

— Қушларга ҳеч нарса қилмайди, — далда бераман.

Деразадан чиқиб, қушчани уяси билан олиб уйга киргизсамми, дейман. Яна инда "ота-она"си ҳам бўлса, тинчини бузишдан чўчийман. Ўғлимга бир амаллаб қушлар шундай ҳавога мослашган бўлиши, патлари уларни совуқ ва ёмғирдан тўсишини, қушча ҳам энди улғайиб қолганини тушунтирдим. Хавотирли кечанинг тонги отганда уя бўм-бўш эди. Қушчанинг тақдири энди ҳаммамизни бирдай хавотирга солди. Ўғлим ғамгин, ўйчан юради. Унга қушчанинг "ота-она"лари билан учиб кетганини айтамиз. Ишонгиси келади. Дили кўпам ёришмайди.

Шундай кунларнинг бирида қор ёғди ва ҳамма болалар каби ўғлим ҳам қорбўрон ўйнагани кўчага чиқиб кетди. Аммо кўп ўтмасдан чунонам бақириб кириб келдики, уни биров қувлаб келаяптими, деб ўйладим.

— Дадажон, ойижон, қушчамни кўрдим, у менинг бошимга бир қўниб учиб кетди!..

— Алдама, бошингга қўнмагандир... — ошхонадан қўлда хамир билан чиққан онасининг энсаси қотди.

— Алдамаяпман, худди ўзи эди...

— Сенга ишонаман, ўғлим, — дедим мен. Унга чиндан ишонгандим...

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:50**
Topshirildi — **21:20**
2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma № — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133